



Psychological factors of developing sociolinguistic competence in English

Dilafuz SARIMSAKOVA ¹

Namangan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2022

Received in revised form

10 October 2022

Accepted 25 November 2022

Available online

25 December 2022

Keywords:

sociolinguistic competence,
culture, psychology of
foreign language acquisition,
psychological, sociocultural
theory, foreign language
teaching methodology.

ABSTRACT

This article discusses the features of the development of sociolinguistic competence in English of foreign language and literature students of higher educational institutions on the basis of psychological and sociocultural theory.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss6-pp176-180>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Инглиз тилида социолингвистик компетенцияни ривожлантиришнинг психологик омиллари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

социолингвистик
компетенция, маданият,
чет тилини ўзлаштириш
психологияси, психологик,
социомаданий назария,
чет тили ўқитиш
методикаси.

Мазкур мақолада ОТМлари хорижий тил ва адабиёти йўналиши талабаларининг инглиз тилида социолингвистик компетенцияси ривожланиши хусусиятлари психологик ва социомаданий назария асосида ўрганилган.

¹ PhD Student, Namangan State University. E-mail: dilafuz89@gmail.com

Психологические факторы развития социолингвистической компетентности в английском языке

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

социолингвистическая компетентность, культура, психология овладения иностранным языком, психологическая, социокультурная теория, методика обучения иностранному языку.

В данной статье рассматриваются особенности развития социолингвистической компетенции по английскому языку у студентов иностранных языков и литературы высших учебных заведений на основе психологической и социокультурной теории.

КИРИШ

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш лингводидактика масалалари таркибига кириши билан бирга чет тилини ўзлаштириш психологияси масалалари сирасига ҳам киради. Юртимизда чет тилини ўрганувчиларнинг инглиз тилида маданиятлараро мулоқот ва коммуникатив компетенциясини шакллантириш, лингвомаданий компетенция, социолингвистик компетенция, инглиз тилида ижтимоий-маданий компетенцияни шакллантириш методикаси ва компетенциясини ривожлантириш масалалари бўйича мамлакатимиз олимларидан Г.Т.Маҳкамова, К.Ж.Рискулова, С.А.Зияева, С.А.Алимсаидова, М.Джусупов, Д.М.Джураев, И.Н.Илхамова, П.Х.Омановлар тадқиқотлар олиб боришган [1]. Ушбу номлари қайд этилган олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг муҳимлигини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, ўзбекзабон талабаларнинг инглиз тилида социолингвистик компетенциясининг шаклланишида алоҳида ўзига хос ва муҳим психик жараёнлар монографик планда тадқиқотга тортилмаган. Шу муносабат билан биз тадқиқотда талабаларнинг инглиз тилида социолингвистик компетенциясининг ривожланиши хусусиятларини психологик ва социокультурологик назария нуқтаи-назаридан аниқлашни вазифа сифатида белгилаб олдик.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Чет тилида социолингвистик компетенциянинг ривожланиш жараёнини ўрганар эканмиз, Л.С.Выготскийнинг чет тилини тушуниш – бу фикрлаш механизмлари билан узвий боғлиқ бўлган мураккаб коммуникатив фаолиятдир деган концепциясига таянамиз [2]. Н.И.Жинкин, В.Б.Беляев, А.Р.Лурия, А.А.Леонтьев, И.А.Зимняя ва бошқаларнинг илмий асарларида нутқ фаолиятининг операция ва амаллари, кўникма ва малакалари ҳамда бошқа кўплаб тушунчалар кенг ёритилган [3]. Шу билан бирга атоқли рус олими, Нобель мукофоти лауреати Иван Петрович Павловнинг ақл, идрок, тафаккур, сўз ва нутқ, тил ўрганиш жараёнлари психофизиологиясига оид маълумотларга таянган ҳолда чет тилида социолингвистик компетенциянинг ривожланиши жараёнлари илмий таҳлил қилинди [4].

Облер ва Жоржлоу томонидан олиб борилган тадқиқотларда нутқий жараёнларнинг мия яримшарларида шаклланиши аниқланган ҳамда қуйидагича талқин қилинган [5] (1-жадвалга қаранг):

Чап ва ўнг мия яримшарларида нутқий жараёнларнинг содир бўлиши	
Бош мия яримшарлари	
Чап мия яримшарлари	Ўнг мия яримшарлари
Талаффуз	Новербаль (чақолоқ йиғиси каби)
Морфология	Кўрув тимсоли орқали маълумот олиниши
Синтаксис	Интонация
Ёрдамчи сўз ва қўшимчалар	Мазмуннинг илғаб олиниши ва ноаниқлик
Сўз оҳанги	Кўплаб прагматик қобилиятлар
Лексикага оид билимлар	Лексикага оид айрим билимлар

Чет тилининг ўзлаштирилиши ҳақида фикр юритар эканмиз, тилдан тўғри фойдаланиш учун тил билан бирга ижтимоий ва маданиятга оид билимлар ҳам ўзлаштирилиши шартлигини ёдда тутишимиз зарур. Инглиз тилида мулоқотнинг самарали кечишини таъминлаш учун ушбу билимларнинг бир қисмини объект ва ҳодисаларга туркумлаш ҳамда амалиётга жорий этиш талаб этилади.

Ҳозирда тилшунос, этнограф, маданиятшунос, социолингвист, этнолингвист, психолингвист, файласуф, психолог ва педагоглар томонидан маданият тушунчасининг беш юзга яқин таърифи келтирилган. Ушбу ҳолатни эътиборга олган ҳолда тадқиқотимизда қуйидаги таърифга асосланиб иш кўрдик.

Маданият – 1) бу от сўз туркуми бўлиб, санъат асарлари, қўлёзмалар, интеллектуал ютуқлар ва маълум бир жамиятнинг муайян бир гуруҳига хос визуал характерли жиҳатлардир. Миллий таомлар, либослар, мусиқа, рақс, байрамлар, тил, театр, халқ ўйинлари кабилар маданиятнинг кўзга кўринарли қисмлари бўлиб, осон ва тез тушунилади. Айтиш мумкинки, ушбу намуналар маданиятнинг юза қисмини ташкил қилади. Маданият – 2) бу тушунчалар, анъаналар ва маълум бир жамиятнинг маълум бир гуруҳига хос ижтимоий одатлар бўлиб, гендер фарқланишлар, дин, оила, турмуш қуриш ҳақидаги дунёқарашлар, дўстлик ришталари, болалар ва пулга бўлган муносабат, вақт ва макон тушунчасига нисбатан муносабатлар мажмуини ташкил қилади. Тил ўрганувчилари учун маданиятнинг бу каби жиҳатларини илғаб олиш ниҳоятда мураккаб вазифа ҳисобланади, чунки бундай ўзига хослик муайян бир жамиятдагина тушунилади. Ушбу жиҳатлар бир маданиятни бошқасидан фарқлайди, баъзи ҳолатларда эса маданиятлараро мулоқотни мураккаблаштиради.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Биз маданиятга оид таърифларни илмий таҳлил қилиш натижасида, инглиз тилида социолингвистик компетенцияни ривожлантиришга қаратилган билимларни қуйидаги тарзда таснифлаб ўргатишни тавсия қилдик.

Маданиятга оид умумий билимлар	Маданиятга оид умумий қарашлар	Маданиятга оид умумий қолиплар
<p>Тарих (масалан, ҳар бир шахснинг яшаётган мамлакати тарихини билиши)</p> <p>Кундалик маиший юмушлар: автомобиль ҳайдаш, харид қилиш, харид ҳақида маслаҳат бериш, қайтим бериш ва ҳ.к.з. масалан, бозорда арзонроқ нархда беришни сўраш, туғилган кунга қандай совға олишни билиш, кўчани кесиб ўтиш кабилар.</p>	<p>Саломатлик (соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш, шамоллаб қолганда кўриладиган чоралар)</p> <p>Тўғри ва нотўғри (турли ёшдаги одамларга бир хилда муомала қилинадими ёки йўқ, ким билан дўстона муомала қилиш мумкин, кимга фақат ҳурмат билан муомала қилиш керак, бирор нарса сўраш)</p>	<p>Хушмуомалалик (масалан, дарсга кеч қолганда, аввал кечирим сўраб, кейин сабабини изоҳлаш)</p> <p>Расмий ва норасмий муомала (ёшига, жинсига қараб мурожаат қилиш)</p> <p>Вақт (турли маданиятларда вақт тушунчаси, кечки овқат вақти)</p>

1 – расм. Инглиз тилида социолингвистик компетенцияни ривожлантиришга қаратилган билимлар таснифи

Инглиз тилининг ўзлаштирилишига ижтимоий ва маданий омиллар қай даражада таъсир кўрсатиши мумкин, маданиятга оид билимлар ва тил тажрибаси қандай татбиқ этилади, деган саволларга жавоб излаш мақсадида Л.С.Выготскийнинг социокультурологик назарияга бағишланган асарларига мурожаат қилдик [6]. Мазкур назарияга кўра интеракция тилининг асосий генезиси сифатида намоён бўлади. Талабаларнинг тил тажрибалари зарурий даражада бўлмаган ҳолатда, улар қандай қилиб мазмунни муҳокама қилишлари ҳамда прагматик мақсадларга эришишларини ўрганиб чиқдик.

Инглиз тили ўзлаштирилишида интеракцияни аҳамияти Л.С.Выготскийнинг социокультурологик назариясида батафсил баён қилинган. Ушбу ёндашувнинг энг асосий ғояси шундан иборатки, ўзаро мулоқот тил ўрганишни осонлаштириш билан бирга ўзлаштиришга ундовчи асосий куч ҳамдир. Бундан ташқари, ҳар қандай таълим моҳиятан социокультурологик шароитларга асосланган ижтимоий жараён ҳисобланади. Муаллиф тақдим этган социокультурологик назария бошқа тил ўргатиш ёндашувларидан ўрганилаётган чет тилининг структуравий бирликларига нисбатан камроқ эътибор қаратилгани, талабанинг тил ўрганиш фаолияти ва иштирокида тил ўрганишнинг туғма ва универсаллик (universal grammar) механизмлари аҳамиятига кўпроқ урғу беради [7]. Бир қатор психологик ёндашувлардан эса тил ўрганувчининг мия яримшарларида мавжуд ички факторлар эмас, балки ташқи факторларнинг муҳимлигини эътироф этади. Шу билан бирга, тил ўрганувчи ўзи мустақил равишда ўзлаштира олади деган фикрни инкор этади.

Социокультурологик назарияга биноан, ўрганиш оддий ақлий операцияларнинг мураккаброқ операцияларга трансформацияланаётганида содир бўлади. Бу трансформация типик рамзий белгиларни идрок этишни ўз ичига

олади. Бу ўз навбатида инсоннинг руҳий ҳолати ҳамда юқори даражада тартибланиш функциялар билан боғланган бўлиб, дастлаб тил орқали намоён бўлади [8]. Бу чет тилини ёки бошқа билим соҳасини ёдлаб ўрганиш усули ҳисобланади. Рамзий белгиларни идрок этиш усули орқали ўрганиш натижасида ўқувчилар ўз ақлий қобилиятлари ва фикрлаш жараёнларини кўпроқ назорат қилишни ўргандилар.

Биз тадқиқотда “интеракция” терминидан шахслараро мулоқотни, яъни одамлар ўртасида содир бўладиган ўзаро коммуникация ва вазиятни ифодалашда фойдаландик. Рамзий белгиларни идрок этиш контекстини талабалар, чет тилини эгаллаш даражаси юқорироқ талабалар ва ўқитувчининг ўзаро мулоқоти ташкил этади. Л.С.Выготский перцепциянинг бундай вазиятда ёки даражада содир бўлиш жараёнини “Проксимал ривожланиш зонаси” (Zone of Proximal Development (ZPD) деб номлайди. Проксимал ривожланиш зонаси – бу тил ўрганувчилар фақат атрофидагиларнинг ёрдамида ўрганиб, сўнгра ўзлари мустақил фойдаланиш даражасига эришиши оралиғидир.

ХУЛОСАЛАР

Социокультурологик назарияга кўра, шахс томонидан ўзлаштириш чегарасига етмаган, аммо ўзлаштириши зарур бўлган ақлий операциялар мустақил равишда амалга оширилишидан илгари бошқалар билан ҳамкорликда бажарилиши керак. Ана шундагина шахс мустақил ўрганиш даражасига эришиши мумкин. Демак, мустақил таълим олиш жараёни бевосита аудиторияда машқларни кичик гуруҳларда, жуфтликда ва ҳамкорликдаги таълим технологиялари асосида бажартиришга йўналтирилиши зарур. Шу билан бирга, ҳар бир амалий машғулот мазкур таълим технологияларини қамраб олиши катта аҳамият касб этади.

Социокультурологик назария ва инглиз тилини ўрганиш психологияси бўйича тўплаган маълумотларимиз ҳозирда Ўзбекистон чет тил таълими тизимида мавжуд социолингвистик компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришга оид методлар ва принципларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш заруриятини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Г.Т.Маҳкамova // Intercultural communication (Theory and Practice). –Tashkent. Tamaddun. 2017, 228 pages. Д.М.Джураев // Хитой тилида талабаларнинг лингвокультурологик компетенциясини шакллантириш / Автореф. дисс. ...пед. фан. бўйича фалсафа доктори. – Т., 2019.– 44 б. С.А.Алимсаидова // Формирование социолингвистической компетенции учащихся общеобразовательных школ с опорой на краеведческие тексты и историко-литературного характера / Дисс. докт... пед. наук. – Т., 2021.– С. 340. П.Х.Оманов // Инглиз тилини ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини аутентик видеоматериаллар воситасида ривожлантириш / Автореф. дисс. ...пед. фан. бўйича фалсафа доктори. – Т., 2021.– 46 б. М.И.Ахмедова // Медик талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини ахборот технологиялари ёрдамида шакллантириш / Дисс. ...пед. фан. бўйича фалсафа доктори. – Фарғона. 2021.– 165 б. М.Х.Гулямова // Инглиз тилини ўқитишда талабалар коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга интегратив ёндашув / Автореф. дисс. ...пед. фан. бўйича фалсафа докт. – Т., 2019.– 45 б. С.А.Зияева // Лингвистик олий таълим муассасалари талабаларини немис тилида ўқитишда социолингвистик

компетенциясини такомиллаштириш / Автореф. дисс. ...пед. фан. бўйича фалсафа доктори. – Т., 2020. – 72 б.

2. Выготский Л.С. // Педагогическая психология. / –М.: Педагогика – Пресс, 1999. – 553 с.

3. Н.И.Жинкин. // Психологические особенности спонтанной речи. / ИЯШ, 1965, № 4, 8-9стр. Б.В. Беляев. // Очерки по психологии обучения иностранным языкам / — М.: Просвещение, 1965. — 85-бет. Лурия А.Р. Об историческом развитии познавательных процессов // Психологическая наука и образование. 1997. Том 2. № 4. Леонтьев А.А. // Язык, речь, речевая деятельность. – М.: Просвещение, 1969. – 214 с. Зимняя И.А. // Педагогическая психология. Учебник по педагогической психологии. 2000. —384 с.

4. И.П.Павлов. // Работы И. П. Павлова • Биология, Анатомия и физиология / <https://foxford.ru/wiki/biologiya/raboty-i-p-pavlova>.

5. L.K.Obler, & K.Gjerlow // Language and the Brain / Cambridge: Cambridge University Press. 1999.

6. Л.С.Выготский // Мышление и речь / Языкознание. Изд. Лабиринт. 1999. С. 228.

7. N.Chomsky // Universal Grammar and Second Language Acquisition. 2012. DOI:10.1002/9781405198431.wbeal1235. In book: The Encyclopedia of Applied Linguistics.

8. A.Yasnitsky. Vygotsky An Intellectual Biography. 2018. Routledge, P. 164. Выготский Л.С. // Воображение и творчество в детском возрасте / М., 1967. Л.С.Выготский // Культурно-историческая психология / П.Я.Гальперин // Введение в психологию. М., 1976. Ж.Пиаже Избранные психологические труды. Психология интеллекта. Генезис числа у ребенка. Логика и психологи. М., 1969. V.James, P.Wertsch, Amelia Álvarez // Sociocultural studies of mind / Editor:. – Cambridge: Cambridge University Press. – 1995.